

## А Ж Р И М

(шахсининг жавобгарликдан озод қилиш ҳақида)

**Protected by PDF Anti-Copy Free**

2019 йил май ойининг 20 кунини жиноят ишлари бўйича Оҳангарон шаҳар суди, ўз биносидан, очик суд мажлисида,

раислик қилувчи: А.Тура

судья ёрдамчиси Х.Ананинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Оҳангарон шаҳар прокурори катта ёрдамчиси С.Сайдуллаев, судланувчи М.М.М., ва унинг адвокати А.Жўраевнинг иштирокида, дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 184-моддаси 2-қисмининг “б” банди, 228-моддаси 2-қисмининг “б” банди ва 228-моддасининг 3-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбланаётган:

Фарғона вилояти, Марғилон шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, оилали, 3 нафар фарзандлари бор, маълумоти ўрта, мукаддам судланмаган, вақтинча ишсиз,

яшайди, иш бўйича тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2019 йил 5 апрелда олган М.М.М.,га

нисбатан 1-1120-1901/43-сонли жиноят ишини кўриб, қуйидагиларни,

## А Н И Қ Л А Д И :

М.М.М., таниши Д.Д.Д., ва дастлабки тергов жараёнида шахсини аниқлашни имкони бўлмаган шахслар билан ўзаро жиноий тил бириктириб, 2017 йилнинг сентябрь ойида “Фароғат” МЧЖ директори М.М.М.,га Хитой давлатидан мато сотиб олишини таклиф қилишиб, жамиятнинг муҳри ва штампини қўлга киритишиб, М.М.М., мато керакмаслигини айтиб, таклифни рад этганига қарамасдан, улар жамиятнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2009 йилдаги ПҚ-1050-сонли қароридан белгиланган имтиёздан ноқонуний фойдаланиш мақсадида “Azia trans terminal” МЧЖ билан “Фароғат” МЧЖ ўртасида тузилган 05.10.2017 йилдаги 1118-сонли икки томонлама, “Azia trans terminal” МЧЖ, “MSL-TRADING” МЧЖ, “Фароғат” МЧЖлар ўртасида тузилган 5.10.2017 йилдаги 1118-сонли уч томонлама шартномалар ҳамда “Фароғат” МЧЖ томонидан “Azia trans terminal” МЧЖ номига Р.Юсупов учун берилган бош ишончномаларни жамият собик директори М.М.М.,нинг имзоларини қалбакилаштирган ҳолда тузишиб, 2017 йил 4 октябрь кунини Хитой Ҳалқ Республикасидан жами қиймати 19.542 АҚШ доллари миқдоридан 13,42 тонна “трикотажное полотно” товарларини Ўзбекистон Республикасига олиб киришиб, 52.451.249 сўм бож тўлови, 41.960.999 сўм қўшимча қиймат солиғи, жами 94.412.248 сўмлик солиқ ва

бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлашган. Мазкур жиноят натижасида 94.412.248 сўм миқдорида моддий зарар етказилиб, ҳозирги кунда етказилган зарар бўлиқ қопланган.

Тошкент вилояти ИИБ ЭКБнинг 31.05.2018 йилдаги 520-сонли хулосасига кўра, “Azia trans terminal” МЧЖ билан “Фароғат” МЧЖ ўртасида тузилган 5.10.2017 йилдаги 1118-сонли икки томонлама, “Azia trans terminal” МЧЖ, “MSL-TRADING” МЧЖ, “Фароғат” МЧЖлар ўртасида тузилган 5.10.2017 йилдаги 1118-сонли уч томонлама шартномалар “Фароғат” МЧЖ томонидан “Azia trans terminal” МЧЖ номига Р.Юсупов учун берилган бош ишончномадаги имзо М.М.М., томонидан бажарилмаганлиги, бошқа шахс томонидан бажарилганлиги кўрсатилган.

Бундан ташқари, М.М.М., ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, у, таниши Россия Федерацияси фуқароси бўлган Д.Д.Д., ва дастлабки тергов жараёнида шахсини аниқлашни имкони бўлмаган шахслар билан ўзаро жиноий тил бириктириб, 2017 йилнинг сентябрь ойида “Фароғат” МЧЖ директори М.М.М.,га Хитой давлатидан мато сотиб олишини таклиф қилишиб, жамиятнинг муҳри ва штампини қўлга киритишиб, М.М.М., мато керакмаслигини айтиб, таклифни рад этганига қарамасдан, улар жамиятнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2009 йилдаги ПҚ-1050-сонли қарорида белгиланган имтиёздан ноқонуний фойдаланиш мақсадида “Azia trans terminal” МЧЖ билан “Фароғат” МЧЖ ўртасида тузилган 5.10.2017 йилдаги 1118-сонли икки томонлама, “Azia trans terminal” МЧЖ, “MSL-TRADING” МЧЖ, “Фароғат” МЧЖлар ўртасида тузилган 5.10.2017 йилдаги 1118-сонли уч томонлама шартномалар ҳамда “Фароғат” МЧЖ томонидан “Azia trans terminal” МЧЖ номига Р.Юсупов учун берилган бош ишончномаларни жамият собиқ директори М.М.М.,нинг имзоларини қалбакилаштирган ҳолда тузишиб, расмий ҳужжатларни қалбакилаштиришиб, жами 94.412.248 сўмлик солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлашган. Мазкур жиноят натижасида 94.412.248 сўм миқдорида моддий зарар етказилиб, ҳозирги кунда етказилган зарар тўлиқ қопланган.

Тошкент вилояти ИИБ ЭКБнинг 31.05.2018 йилдаги 520-сонли хулосасига кўра, “Azia trans terminal” МЧЖ билан “Фароғат” МЧЖ ўртасида тузилган 5.10.2017 йилдаги 1118-сонли икки томонлама, “Azia trans terminal” МЧЖ, “MSL-TRADING” МЧЖ, “Фароғат” МЧЖлар ўртасида тузилган 5.10.2017 йилдаги 1118-сонли уч томонлама шартномалар “Фароғат” МЧЖ томонидан “Azia trans terminal” МЧЖ номига [REDACTED] учун берилган бош ишончномадаги имзо М.М.М.,а томонидан бажарилмаганлиги, бошқа шахс томонидан бажарилганлиги кўрсатилган.

Бундан ташқари, М.М.М., ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, у, таниши Россия Федерацияси фуқароси бўлган Д.Д.Д., ва дастлабки тергов жараёнида шахсини аниқлашни имкони бўлмаган шахслар билан ўзаро жиноий тил бириктириб, 2017 йилнинг сентябрь ойида “Фароғат” МЧЖ директори

М.М.М.,га Хитой давлатидан мато сотиб олишини таклиф қилишиб, жамиятнинг муҳри ва штампини кўлга киритишиб, М.М.М., мато керакмаслигини айтиб қаллиғни рад этганини айтиб, улар жамиятнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2009 йилдаги ПҚ-1050-сонли қарорида белгиланган имтиёздан ноқонуний фойдаланиш мақсадида “Azia trans terminal” МЧЖ билан “Фароғат” МЧЖ ўртасида тузилган 5.10.2017 йилдаги 1118-сонли икки томонлама шартномалар ҳамда “Azia trans terminal” МЧЖ, “MSL-TRADING” МЧЖ, “Фароғат” МЧЖ ўртасида тузилган 5.10.2017 йилдаги 1118-сонли уч томонлама шартномалар ҳамда “Фароғат” МЧЖ томонидан “Azia trans terminal” МЧЖ номига Р.Юсупов учун берилган бош ишончномаларни жамият собиқ директори М.М.М.,нинг имзоларини қалбакилаштирган ҳолда тузишиб, расмий ҳужжатларни қалбакилаштиришиб, ушбу ҳужжатни қалбаки эканлигини била туриб фойдаланишиб, жами 94.412.248 сўмлик солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлашган. Мазкур жиноят натижасида 94.412.248 сўм миқдоридан моддий зарар етказилиб, ҳозирги кунда етказилган зарар тўлиқ қопланган.

Судланувчи М.М.М., суд мажлисида, айбига тўлиқ иқроп бўлиб, у ёшлигидан ўз танишлари билан бирга мато савдоси ҳамда ишлаб чиқариш билан шуғулланиб келишини, Оҳангарон шаҳридаги “Фароғат” МЧЖ раҳбари М.М.М.,ни 2016 йилдан буён танишини, бир неча маротаба у унда костюм шим тиктирганлиги орқали танишиб қолганини, 2016 йилдан буён яқин муносабатда бўлиб, мато ва ишлаб чиқариш масаласида маслаҳатлашиб турганини, 2017 йилнинг тахминан август-сентябрь ойида М.М.М., унга чет давлатдан, яъни Хитой Халқ Республикасидан мато олиб келиб, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришда ёрдам сўраганини, аммо айнан қандай мато кераклигини айтмаганини, шу сабабли у таниши Д.Д.Д.,га ушбу масалада, яъни чет мамлакатдан мато олиб келиб беришда ёрдам сўраб мурожаат қилганини, Д.Д.Д.,ни у ёшлигидан, яъни 1995-1996 йиллардан буён танишини, негаки у унинг отаси “Ботир” билан таниш бўлиб, у ушбу масалада Д.Д.Д.,га мурожаат қилишининг асл сабаби, у чет давлатларда тадбиркор танишлари кўплигини билганини, у Ахмедов Д.Д.Д.,га Хитой Халқ Республикасидаги таниш тадбиркорлари орқали “Фароғат” МЧЖ номига мато олиб келиш кераклигини, “Фароғат” МЧЖни унга қарашли корхона деб билиб, ушбу масалада ёрдам сўраганини, ушбу масалада бир неча маротаба Д.Д.Д.,га мурожаат қилганидан сўнг, 2017 йилнинг тахминан август ойида Д.Д.Д., унга Хитой Халқ Республикасидан мато савдоси билан шуғулланувчи тадбиркорни топганлигини айтганини, шундан сўнг у М.М.М.,га чет давлатдан тадбиркор топилганлигини айтган вақтида О.О.О., унга бир контейнер мато кераклигини айтиб, унга Д.Д.Д., топган корхонанинг ишонган вакилига кўнғироқ қилиб, олиб келиниши лозим бўлган бир контейнер матони “консегнация”га, яъни мато Ўзбекистон Республикасига олиб келиниб, тўлиқ сотиб бўлинганидан кейин тўлов амалга оширилиши ҳақида телефон орқали гаплашиб олганини, ҳозирда у Хитой Халқ

Республикасида уларга мато юборган корхонанинг номи ҳамда у телефон орқали гаплашган ишончни вакили ҳақидаги маълумотлар аниқ ёдида йўқлигини, шундан сўнг, Д.Д.Д.нинг кўрсатаётганлиги ҳақидаги маълумотлар кераклигини, хужжатлар расмийлаштириш учун зарурий хужжатлар, яъни корхонанинг низоми, фуқаролик паспорт нусхалари, корхона давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, корхона ишчилар рўйхати, фаолият кўрсатаётганлиги ҳақидаги маълумотлар кераклигини айтганини ва у мазкур хужжатлар кераклиги ҳақида М.М.М.,га хабар берганини, шу орада у О.О.О. Тошкент шаҳар, Яшнобод туманида курилаётган танишининг цехига олиб бориб, ундан ушбу цехни фаолиятини ташкил қилиш учун зарурий маслаҳатларни ҳам олганини, 2017 йилнинг тахминан сентябрь ойи охирларида М.М.М., унга кўнғироқ қилиб, юқорида у О.О.О.,дан сўраган корхонанинг низоми, фуқаролик паспорт нусхалари, корхона давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, корхона ишчилар рўйхати, фаолият кўрсатаётганлиги ҳақидаги маълумотлар тайёр бўлганлигини айтганини, шу орада унинг фарзанди М.М.М., ҳамда таниши Н.Н.Н.,лар Тошкент шаҳрига ўз ишлари билан кетаётган вақтларида у Н.Н.Н.,га кўнғироқ қилиб, Оҳангарон шаҳрида тўхтаб, М.М.М.,дан тайёр бўлган хужжатларни олиб, Д.Д.Д.,га бериб қўйишлари лозимлигини айтиб, О.О.О., ҳамда Д.Д.Д.,нинг телефон рақамларини Н.Н.Н.,га бериб қўйганини, шундан сўнг, Д.Д.Д., унга кўнғироқ қилиб, Н.Н.Н.,дан зарурий хужжатларни олганлигини айтиб, кейин Д.Д.Д., билан учрашиб, “Фароғатга контейнер мол келди” деб айтганини, ўша куни у О.О.О., билан учрашиб контейнер келганлигини, божхонага бориб, пулларни тўлаб молларни олиб чиқиши зарур эканлигини айтганини, О.О.О., ундан қандай мол олиб келинганлигини сўраб, шундан у унга велюр, синтетика материаллар олиб келинганлигини айтган вақтида у унга бундан велюр материал унга керак эмаслигини, ҳисоб рақаида пул йўқлигини, кредит олганлиги сабабли мазкур мол конфискация бўлиши мумкинлигини айтганини ва у ўз ишлари билан олдида Д.Д.Д., билан кўришиб, ҳамда О.О.О., чет мамлакатдан олиб келинган молларни рад қилганлигини айтганини, шунда Д.Д.Д., унга О.О.О., билан такроран кўришиб, унга вазиятни тушунтириши кераклигини, молларни олиб чиқиб кетиш кераклигини тушунтирганини, шундан сўнг у Оҳангарон шаҳрида О.О.О., билан кўришиб, унга божхонадан молларни олиб чиқиш лозимлигини айтганини, О.О.О., ҳар доимгидек унга рад жавобини бериб, унга бундай мол керак эмаслигини маълум қилиб, у унга Д.Д.Д.,нинг олдида уни ноқулай вазиятга туширганлигини, молни қайтариб юборган тақдирида 5.000 АҚШ доллари миқдоридagi тўлов унинг бўйнида қолишини айтиб, Фарғона вилоятига қайтиб кетганини, орадан бир неча кун ўтгач Д.Д.Д., унга кўнғироқ қилиб, Хитой мамлақатидаги танишлари олдида уни ноқулай аҳволга солаётганлигини, божхонадаги молларни олиб чиқиб кетиш лозимлигини айтиб, у унга О.О.О.,нинг ҳисоб рақаида пул маблағлари йўқлигини, шу сабабли унга ушбу масалада ёрдам беришини илтимос қилганини, шундан сўнг у Наманган вилояти, Наманган шаҳридаги таниши

Тўлқин билан учрашиб, божхонада бўлган пул маблағларидан 5.000.000 сўм пули тўлаш лозимлигини айтиб ёрдам сўраган вақтида у рози бўлиб, қай тариқа божхонадаги пул маблағларидан 5.000.000 сўмни жўраб берди. Ушбу ўтказганлигидан унинг хабари бўлмаганини, 2017 йил октябрь ойининг иккинчи ярмида унга Д.Д.Д., кўнғироқ қилиб, мол божхонадан чиқиб кетганлигини айтиб, унга Тошкент шаҳрида жойлашган “Қўйлик” бозори олдига бориб туриши кераклигини айтганини, у айтган жойга бориб Д.Д.Д.,га кўнғироқ қилиб келганлигини айтиб, орадан бир неча соат ўтгач, кундузи ушбу пулашаётган вақтида бир катта “фура” юк автомашинаси келганини, унинг давлат рақами ва русумига эътибор бермаганини, шундан сўнг у Д.Д.Д.,га кўнғироқ қилиб, юк келганлигини айтиб, Д.Д.Д., унга молни олиб, матолардан маҳсулот тиктириб, сотиб, пулларидан қарзидан қутулиши кераклигини айтганини, у “Қўйлик” бозорида бўлган 3 та юк автомашинасига “фура”да келган молни ёлланма ишчилар ёрдамида юклаб, Марғилон шаҳрига олиб кетганини, мазкур молни Марғилон шаҳрида мато билан шуғулланувчи таниши Ўлмасга бериб, маҳсулотларни тайёрлаб берганини, Қўкон ва Марғилон шаҳридаги чакана бозорларда 30.000-35.000 сўм атрофида сотганини, шунингдек, Д.Д.Д.,га кўнғироқ қилиб, сотилган матолардан тушган пулларни кимга бериш кераклигини сўраган вақтида у унга Хитой мамлакатада жойлашган уларга мато юборган корхонанинг юритувчисининг телефон рақамини бериб, тушган пулларни ушбу шахсга бериб қарзидан қутулиши кераклигини айтганини, шундан сўнг у бир неча маротаба унга Д.Д.Д., берган телефон рақам эгаси билан кўнғироқлашиб, унга нотаниш бўлган шахслар орқали Хитой корхонасига бўлиб-бўлиб, жами 152.000.000 сўм тўлаб берганини, уларнинг телефон рақамлари ва исмлари ёдида йўқлигини, улар унга қарзи қолмаганлиги ҳақида маълумотнома беришганини, таниши Ахмедов Д.Д.Д., “Фароғат” МЧЖнинг асл раҳбари ким эканлиги ҳамда М.М.М., танишини билмаганини ва кўрмаганини, шунингдек, чет мамлакатдан, яъни Хитой Халқ Республикасида фаолият юритувчи корхонадан мато олиб келиш учун ҳужжатлар расмийлаштириш жараёнида Д.Д.Д., у орқали “Фароғат” МЧЖ ҳужжатларини олганини, у фақатгина бир маротаба Д.Д.Д.,нинг кўрсатмасига кўра, “Фароғат” МЧЖга тегишли бўлган низом, гувоҳнома, ишчи ходимлар рўйхати, фаолият юритиши ҳақидаги маълумотнома ҳамда фуқаролик паспорт нусхаларини фарзанди Р.Р.Р., ҳамда таниши Н.Н.Н., О.О.О.,дан ҳужжатларни олиб, Д.Д.Д.,га олиб бориб берганини, шундан сўнг Д.Д.Д., ундан бошқа ҳеч қандай ҳужжатлар сўрамаганини, у ўзи ёки танишлари орқали ҳам у мазкур корхонага тегишли бўлган муҳрни олмаганини, Хитой Халқ Республикасидан “Фароғат” МЧЖ номига олиб келинган молни олиб чиқиш учун ҳужжатларни расмийлаштириш билан у ўзи ушбу соҳани билмаганлиги сабабли таниши Ахмедов Д.Д.Д., шуғулланганини, мазкур давр мобайнида Д.Д.Д., ёки бошқа бир шахс унга икки ёки бошқа шаклдаги шартномаларни “Фароғат” МЧЖ томонидан муҳр ҳамда имзо қўйилиши учун тақдим қилмаганини, “Azia trans terminal” МЧЖ билан “Фароғат” МЧЖ ўртасида тузилган 5.10.2017 йилдаги

1118-сонли икки томонлама ҳамда “Azia trans terminal” МЧЖ, “MSL-TRADING” МЧЖ, “Фароғат” МЧЖлар ўртасида тузилган 5.10.2017 йилдаги 1118-сонли уч томонлама шартнома ва шунингдек у мазкур корхоналар қимга тегишли эканлиги ҳамда бўлмаганини, шунингдек у мазкур корхоналар қимга тегишли эканлиги ҳамда қандай фаолият тури билан шуғулланиши ҳақида маълумотга эга эмаслигини, унинг “Фароғат” МЧЖ томонидан омборда сақланаётган Хитой Халқ Республикасидан олиб келинган ва олиб чиқиш учун бирон бир шахсга ишончнома берилганлигидан халатларнинг йўқлигини, Д.Д.Д., ушбу ҳолатлар бўйича бирон-бир тарзда моддий манфаатдор кўрмаганини, сотилган маҳсулотлардан Д.Д.Д.га ҳеч қандай улуш бермаганини, ундан О.О.О., М.М.М., Хитой Халқ Республикасидан матолар олиб келиб беришликни сўраганида у унга матоларнинг каталогини кўрсатганида у ўзига мақбул келганини танлаб айтганини, шу асосда Хитойдан матолар келганида О.О.О., ушбу матолар унга керак эмаслигини, у халат ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланмаслигини, уни корхонаси костюм-шимлар тикиш учун мўлжалланган эканлигини маълум қилиб, келган матоларни олишликдан бош тортганини, у ундан бир неча маротаба ушбу ишни қилмасликни, матоларни олмасдан Хитойга қайтариб юборган тақдирида катта миқдорда жарима мавжудлигини, бундан ташқари, 5.000 АҚШ доллари миқдорида транспорт харажатлари мавжудлигини маълум қилганини, бу ерда у ва О.О.О., ўртасида ўзаро тушунмовчилик юзага келиб, чунки, у ушбу ҳолатда Отабек сўраган матони айнан ўзини келтириб бермаганини, натижада, ҳужжатларни қалбакилаштириб, матоларни олиб чиқиб, ушбу матолардан халатлар тиктириб, бозорларда соттирганлигини, ҳозирги кунга келиб содир этган жиноятини ижтимоий хавфлилик даражасини тўлиқ тушуниб етганлигини, қилмишидан пушаймондалигини, соғлиғи ёмонлигини, юрак хасталиги уни қийнаб келаётганлигини, оилада ўзидан бошқа боқувчи йўқлигини, келтирилган зарарни ўз хоҳиши билан аниқланган кундан кейин 3 кун ичида тўлаб қўйганлигини, унинг оилавий шароитини ҳамда иш мавжуд бўлган бошқа барча енгиллаштирувчи ҳолатларни инобатга олиб адолатли қарор қабул қилишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 2-бандида “ЖКнинг 10-моддасида назарда тутилган жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи жазо қўлланилиши шартлигини англатмаслиги, шу туфайли судда ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган шахсларни ЖКнинг 65, 66, 70, 71-моддаларига мувофиқ жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш масаласини муҳокама қилишлари лозим”лиги кўрсатилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 65-моддаси 1-қисмида ишни тергов қилиш ёки судда кўриш вақтида шароит ўзгарганлиги туфайли содир этилган қилмиш ўзининг ижтимоий хавфлилигини йўқотган деб топилса,

жиноят содир этган шахс жавобгарликдан озод қилиниши мумкинлиги назарда тутилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддаси 5-қисмининг 1-бандида ишни тугатиш ёки суддан ўқиб чиқиш пайтига келиб, қилмиш ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотган ёхуд вазият ўзгариши оқибатида бу шахс ижтимоий жиҳатдан хавфли бўлмай қолган деб эътироф этилса, жиноят иши шахснинг розилиги билан қилмишга айблилиги ҳақидаги масалани ҳал қилмай туриб тугатилиши мумкинлиги назарда тутилган.

Суд, судланувчи М.М.М. томонидан содир этилган жиноят унча оғир бўлмаган жиноятлар туркумига кираётганини, унинг муқаддам судланмаганлигини, айбига тўлиқ иқрор бўлиб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлганлигини, яшаш жойидан ижобий тавсифланишини, жиноят содир этишига сабаб бўлган шарт шароитларни, бошқа жиноят содир этмаслигини, унинг ҳозирда соғлиги яхши эмаслигини ва шифохонада даволанаётганлигини, ҳозирда етказилган зарар тўлиқ қопланганини эътиборга олиб ҳамда судланувчининг ўзи унинг айблилиги масаласини муҳокама қилмасдан жиноят ишининг тугатилишига рози эканлиги ҳақидаги аризасини эътиборга олиб, судланувчида кузатилган намунали хулқ-атвордан келиб чиқиб, ҳозирги вақтга келиб М.М.М., жамият учун хавфли бўлмай қолган деган қатъий хулосага келиб, юқорида қайд этилган Пленум Қарорининг 2-банди кўрсатмаларидан келиб чиқиб, инсонпарварлик ва одиллик принципларига таянган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси ЖК 65-моддасига асосан М.М.М.,нинг жиноий жавобгарликдан озод қилиб, жиноят ишини тугатишни лозим деб ҳисоблайди.

Бундан ташқари, Тошкент вилоят прокуратурасининг ТИФ “Миллий банк” Тошкент вилоят бўлимининг депозит ҳисоб рақамига зарарни қоплаш учун М.М.М., томонидан топширилган 94.412.248 сўм пул маблағлари Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 9 октябрдаги 811-сонли қарори билан тасдиқланган Низомнинг 2-бандига асосан қўшимча ундирилган 94.412.248 сўмдан 60 фоизи, яъни 56.647.348 сўм давлат бюджетига, 40 фоизи, яъни 37.764.899 сўм махсус жамғарма маблағларини шакиллантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг бюджетдан ташқари жамғармасига ўтказишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 5-қисми 1-банди ва 423-моддасига асосан суд,

### **А Ж Р И М Қ И Л А Д И :**

Ўзбекистон Республикаси ЖК 184-моддаси 2-қисмининг “б” банди, 228-моддаси 2-қисмининг “б” банди ва 228-моддасининг 3-қисми билан айбланган **М.М.М.**, Ўзбекистон Республикаси ЖК 65-моддасига асосан жиноий жавобгарликдан озод этилиб, унга нисбатан жиноят иши унинг розилиги асосида айблилиги масаласи ҳал қилинмасдан тугатилсин.

Ажрим қонуний кучга киргач, М.М.М.,га нисбатан қўлланилган тилхат эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Тошкент вилоят прокуратурасининг ГИФ “Миллий банк” Тошкент вилоят бўлимнинг депозит ҳисоб рақамига зарарни қоплаш учун М.М.М., томонидан топширилган 94.412.248 сўм пул маблағлари Визирлар Маҳкамасининг 2018 йил 9 октябрдаги 811-сонли қарори билан тасдиқланган Низомнинг 2-бандига асосан зарарни қоплаш учун топширилган 94.412.248 сўмдан 60 фоизи, яъни 56.647.348 сўм давлат ҳисобига 40 фоизи, яъни 37.764.899 сўм махсус жамғарма маблағларини шакллантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Қўшма қисодий жиноятларга қарши курашиш Департаментининг бюджетдан ташқари жамғармаси (Департаментнинг Тошкент вилояти бошқармасининг ИНН: 203737214, шахсий ҳисоб варақаси: 401410860262877950100010002) га ўтказилсин.

Ажримдан норози томонлар 10 кун ичида шу суд орқали жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят судига хусусий тартибда шикоят ёки протест келтириш ҳуқуқига эгадирлар.

**Раислик қилувчи**

**А.Турапов**

**Аслига тўғри:** \_\_\_\_\_